Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ◆ 1967 йил 8 май, душанба ◆ 49 ЙИЛ ЧИҚИШИ, № 107 (13.667). ◆ БАҲОСИ 2 ТИЙИН

Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги шарафига

Узбекистоннинг яна бир области — Сурхондарё областининг чорвадорлари давлатга гўшт сотиш ярим йиллик планини муддатидан илгари бажардилар. Фермаларнинг меҳнатсевар ишчилари тайёрлов пунктларига тирик вазнда 4 минг тонна чорва мол ва парранда етказиб бердилар. Бу ўтган йилнинг шу давридагига қараганда анча кўпдир.

Қашқадарё ва Хоразм областларининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари давлатга тухум сотиш олти ойлик плани топшириғини муваффақиятли бажардилар.

●

Андижондаги трикотаж фабрикасида биринчи марта маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Корхонада дастлабки ўнта конвейер ишга туширилди, дастлаб ўн мингларча буюм тайёрланди, савдо ташкилотларига биринчи маҳсулот жўнатилди. Андижон трикотажчилари май ойида навбатдаги маррани эгалламоқдалар — улар чоран миллион дона буюм тайёрладилар.

●

Узбекистон ССР автомобиль транспорти ва тош йўллар министрлиги ҳузурида «Узмостострой» трести тузилди.

— Трест кучи билан 100 дан ортиқ объект қурилиши нўзда тутилади, шу қурилишларнинг ярмини йилнинг охирида фойдаланишга топшириш мўлжалланади. Бу ўтган йили Узбекистон автомобиль йўлларида қилинган ишлардан қариб икки баравар кўпдир.



КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси Совет Иттифоқи Коммунистик партияси делегациясининг Европа коммунистик ва ишчи партияларининг Европа хавфсизлиги масаласи юзасидан Карлова Варида чақирилган конференциясидаги ҳисоботини кўриб чиқиб, конференция қабул қилган ҳужжатларни тўла маъқуллади.

КПСС Марказий Комитети конференцияга ва у қабул қилган «Европада тинчлик ва хавфсизлик учун» баёнотга катта аҳамият беради, баёнотда Европадаги ҳозирги аҳвол бутун халқаро вазият чамбарчас боғланган ҳолда анализ қилинниб, тинчликни мустаҳкамлаш учун кенг нураш программаси белгилаб берилган. Европа қитъасида хавфсизлик мустаҳкам системасининг вужудга келтирилиши замонамизнинг энг муҳим масалаларидан бири бўлиб, унинг ҳал этилиши янги жаҳон урушининг олдини олиш ишига катта ҳисса қўшилишини билдиради.

Европа мамлакатларининг коммунистлари янги муҳим ташаббус билан чиқиб, халқларнинг туб манфаатларини ҳимоя қилишга бел боғлаганликларини намойиш қилдилар ҳамда қитъадаги барча тараққийпарвар ва тинчликсевар кучларни ҳамжорлик қилишга чақирдилар. Конференция баёнотида таъкидлаб ўтилишича, Европа капиталистик мамлакатларида ишчилар синфи ўртасидаги ихтилофни бартараф этиш, коммунистлар, социалистлар, касаба союзлари ҳамда меҳнаткашларнинг турли табақаларининг вакиллари бўлган бошқа ташкилотларнинг биргалиқда ҳаракат қилиши Европада хавфсизлик учун олиб борилаётган нурашнинг муваффақият қозониши, да алоҳида аҳамиятга эга бўлади.

Карлова Вари конференцияси Европа марксчи-ленинчи партияларининг пролетар интернационализми ғояларига содиқлигини, тинчлик, демократия, миллий мустақиллик ва социализм иши учун империализмнинг агрессив ва реакцион сиёсатига қарши курашда замонамиз революцион кучлари иттифоқини мустаҳкамлашга улар интилаётганлигини кўрсатувчи янги далил бўлди. Конференция қабул қилган ҳужжатларда, қардош партия вакилларининг нутқларида, Американинг Вьетнамдаги агрессиясига ва Грециядаги ҳарбий тўнтаришга қарши қаратилган баёнотларда бу нарса ўз ифодасини топди.

КПСС делегациясининг ҳисоботи муҳокама қилинганида Карлова Варидаги конференция — социалистик мамлакатлардаги жамиятга давлат раҳбарлигини амалга оширраётган, шунингдек капиталистик давлатларда ишчилар синфининг иши учун нураш олиб бораётган Европа коммунистик партияларининг тарихда биринчи учрашуви бўлганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Конференциянинг муваффақияти марксчи-ленинчи партияларнинг бирга ҳаракат қилиши ҳаётий зарур эканлигини, коммунистик ҳаракатнинг келишиб олинган йўлини ишлаб чиқиш учун, унинг жипслигини мустаҳкамлаш учун коллектив учрашув ва кенгашлар фойдали эканлигини яна бир марта исбот этди.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси КПСС делегациясининг Карлова Вари конференциясидаги фаолиятини маъқуллаб, конференция ҳужжатларини кенг пропаганда қилиш ва ундаги тавсияларни амалга ошириш учун барча зарур чоралар кўришни КПСС Марказий Комитети секретариати ва тегишли ташкилотларга топширди.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

ИНСОННИНГ СИҲАТ-САЛОМАТЛИГИ, УНИНГ УМРИНИ УЗАЙТИРИШ ЙЎЛИДА

Бизнинг мамлакатимизда Ленин партияси «Ҳамма нарса инсоннинг бахт-саодати учун!» — деб эълон қилган соғлиқни сақлаш иши чинакам умумхалқ вазифаси бўлиб қолган. Коммунистик партия билан Совет ҳукумати касалликларнинг олдини олиш тўғрисида, одамларнинг узоқ умр кечириши ҳақида тинмай ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети билан республика Министрлар Совети қабул қилган қарорда Узбекистон аҳолисининг сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилишни янада яхшилаш кўзда тутилган. Қарорда бундай дейилади: КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг 1960 йил 14 январдаги «СССР аҳолисига медицина хизмати кўрсатишни янада яхшилаш ва аҳолининг сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилиш чоралари тўғрисида»ги қарорини бажаришга ёрдам беради.

Юрак-қон томирлари, ошқозон-ичак касалликлари, юқумли, руҳий, профессионал касалликларни, ёмон сифатли ўсмаларни илмий тадқиқ қилишни кенгайтириш, бу касалликларнинг олдини олиш, диагноз қўйиш ва даволашнинг янги самаралироқ воситалари ва методларини излаб топиш, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг химиявий воситаларидан фойдаланишнинг илмий асосланган форма ва методларини, ташқи муҳитни покиза тутиш, рационал овқатланишни ташкил этиш воситаларини ишлаб чиқиш йўллари белгиланди.

Соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга, қишлоқ касалхоналарини тагин ҳам йириклаштиришга, кўп профилли область, шаҳар ва район стационарлари, диспансерлари, амбулатория-поликлиника муассасалари ташкил қилишга, медицина ёрдамининг ихтисослаштирилган турларини кенгайтириш ва аҳолига яқинлаштиришга, медицина кадрларини ихтисослаштиришни яхшилашга ва уларнинг малакасини оширишга, кадрларнинг ишлаши ва яшаши учун энг қулай шароитларни яратиб беришга эътибор кучайтирилади.

1967—1970 йилларда республикада соғлиқни сақлашни янада ривожлантириш соҳасида Узбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги ишлаб чиққан ҳамда министрликлар ва идоралар билан келишилган асосий топшириқлар маъқулланди.

Касалхоналардаги ўринлар сони беш йилликнинг охирига келиб 125.430 тага етказилади. Капитал маблағлар ҳисобига ва марказлаштирилмаган манбалардан ажратиб бериладиган қўшимча маблағлар ҳисобига янги касалхоналар, поликлиникалар ва бошқа медицина муассасалари ҳамда ўқув юртлари бинолари қурилади. Шу давр ичида республиканинг энергиядан зарар кўрган пойтахтида кўп профилли касалхоналар, болаларни даволайдиган муассасалар, ихтисослаштирилган диспансерлар, туғруқхоналар қурилади, шунингдек ишлаб турган медицина муассасаларида янги корпуслар барпо этилади. Илмий тадқиқот институтлари, медицина олий ўқув юртлари ва ўрта махсус ўқув юртлари ҳамда уларнинг ётоқхоналари учун янги бинолар, санитария-эпидемиология станциялари, қолхозлараро туғруқхоналар, «Узмедтехника»нинг ихтисослаштирилган магазинлари, медицина таъминоти базаларини ҳам қуриш мўлжалланди.

Қарорда шу нарса таъкидланадики, қишлоқларда соғлиқни сақлаш ишларини ривожлантириш мақсадида колхозлар ва колхозларароқ медицина муассасалари қуриш соҳасидаги ташаббусни ҳар томонлама рағбатлантириш зарур. «Узглавколхозстрой»га колхоз маблағлари ҳисобидан қуриладиган соғлиқни сақлаш объектларини қуриш ва уларни ўз вақтида фойдаланиш учун топширишни ҳар йиллик планга киритишни таъминлаш таклиф қилинди.

Чорва моллар яйловларда боқиладиган жойлардаги колхозчиларга ва совхоз ишчиларига медицина хизматини тўлдан яхшилаш учун участка касалхоналарида ва фельдшерлик-акушерлик пунктларида медицина ёрдами кўрсатиладиган кўчма пунктларни ташкил этиш, уларни транспорт билан ва чорвадорларга медицина хизматини яхшилаш учун зарур бўлган ҳамма воситалар билан таъминлаш кўзда тутилди.

Қарорда қишлоқ аҳолисига стоматологик ёрдамни кучайтириш чоралари белгиланди.

Болалар ва аёлларнинг саломатлигини сақлашни янада кучайтириш мақсадида барча шаҳарларда ва район марказларида болалар консультацияларини болалар поликлиникаларига айлантириш ишларини 1970 йилгача тугаллашга, шаҳар атрофи зоналарида мактаб ёшигача бўлган болаларни соғломлаштириш учун ёз фаслида ясли-боғча дала группалари ташкил этиш учун ҳар йили маблағ ва бинолар ажратиб беришни кўзда тутишга қарор қилинди.

Аҳолига тез ва кечиктирилмас медицина ёрдами ҳажмини кенгайтириш ва бу ёрдамнинг сифатини яхшилаш, бунинг учун бу станциялар ва бўлимлар шоҳобчаларини кенгайтириш, уларга зарур санитария транспорт воситаларини ажратиб бериш, уларни малакали медицина ва инженер-техник кадрлар билан мустаҳкамлаш чоралари ишлаб чиқилди.

Шаҳарлар ва аҳоли яшайдиган пунктларни санитария жиҳатидан обод қилишни янада яхшилаш мақсадида область, шаҳар ва район ижроия комитетларида санитария ободончилиги комиссиялари тузилади. Санитария озодалиги ишлари билан шуғулланувчи хўжалик ҳисобидаги шаҳар ва район конторалари, трестлар ва автобазаларнинг техника базаси мустаҳкамланади. Марказий ва зона район касалхоналаридаги санитария-эпидемиология бўлимлари мустақил санитария-эпидемиология станцияларига айлантирилади.

Қарорда колхозчиларнинг меҳнат ва дам олишлари учун қулай шароитлар вужудга келтириш, уларга медицина соҳасида яхши хизмат кўрсатишни ташкил этиш йўлида илғор қишлоқ хўжалик артеллари кўрсатган ташаббус мақсадга мувофиқ эканлиги ва бошқа ишлар ҳисобига стоматологик ёрдамни кучайтириш, уларга медицина воситаларини ишлаб чиқиш ишлари ҳисобидан ҳар бирига 100 ўринли бўлган биттадан болалар уйини очишлари, Сирдарё ва Қашқадарё область ижроия комитетлари эса ҳар бири 50 ўринли бўлган умумий профилдаги биттадан болалар уйи очишлари лозим.

Янги ўқув йилида Андижон, Бекобод ва Охангаронда медицина ўқув юртларини очиш мўлжалланди.

Соғлиқни сақлаш министрлигига асбоб-ускуна, материаллар ва автотранспорт ажратиб бериш, 1967 йилда Сирдарё областида медицина таъминоти область базасини вужудга келтириш, медицина жиҳозлари ишлаб чиқаришни жадаллаштириш топшириқлари тасдиқланди.

Республика Соғлиқни сақлаш министрлигига соғлиқни сақлаш муассасалари шоҳобчаларини кенгайтириш, медицина кадрларини мақсадга мувофиқ қилиб жойлаштириш, касалхоналардаги ўринлардан тўла фойдаланиш, моддий ресурсларни тўғри жойлаштириш, даволаш-профилактика ва санитария-эпидемиология ёрдамининг ҳамма турлари ҳажмини кенгайтириш ва уларнинг сифатини яхшилаш, илм-фаннинг энг янги ютуқларини, илғор иш формалари ва методларини ишлаб чиқиш ҳамда практикага жорий қилиш таклиф этилди. Шу билан бирга аёллар ва болаларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш, амбулатория-поликлиника ёрдамини, ихтисослаштирилган медицина ёрдамини, тез ва шошилинч медицина ёрдамининг анча кенгайтирилишига алоҳида эътибор бериш зарур.

Медицина олий ўқув юртлари ва илмий тадқиқот институтларининг коллективлари ўлка патологиясининг хусусиятларини ва республикада соғлиқни сақлаш соҳасидаги эҳтиёжларни ҳисобга олиб, замонавий медицинанинг асосий проблемаларини ҳал этиш ва илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириб олиб боришни яхшилашга кўпроқ эътибор беришлари лозим.

Область марказларида ва йирик шаҳарларда кичик лабораторияларни бирлаштириш йўли билан марказий клиника-диагностика лабораторияларини очиш, уларни тегишли анжомлар билан ва кадрлар билан яхши таъминлаш керак.

Болалар ва аёлларнинг соғлигини сақлаш ишларини кучайтириш мақсадида 1967—1969 йилларда область касалхоналари ва йирик шаҳарлардаги касалхоналарнинг ҳар бирида аёллар учун хомиладорлик патологияси ва хомиладорлик билан боғлиқ бўлган касалликларни даволовчи акушерлик-гинекологик бўлимларни очишга карор қилинди. Республикада хомиладор аёллар учун ихтисослаштирилган дам олиш уйлари ва мавжуд шифохоналар базасида она ва болалар пансионатини очиш масаласи Узбекистон касаба союзлари Совети билан биргаликда қараб чиқилсин.

Эндокринологик касалликлар профилактикасини яхшилаш ва эндокринологик хизматини кучайтириш мақсадида 1968—1969 йилларда ҳар бир областда бўқоққа қарши эндокринологик диспансерлар ташкил этишни тугаллаш, республика миқёсида бўқоққа қарши эндокринологик диспансерда эса беморларни гоят малакали текширишдан ўтказиш учун гормонал лаборатория ташкил этиш мўлжалланди. Аҳолининг кўзойнакка бўлган эҳтиёжларини, шунингдек якка рецептлар бўйича мураккаб оптикага бўлган эҳтиёжларини таъминлаш учун 1967—1968 йилларда область марказларида ва йирик шаҳарларда ихтисослаштирилган оптика магазинлари очилади.

Область марказларидаги тез ва кечиктирилмас ёрдам станцияларида терминал ҳолатдаги беморларга ёрдам кўрсатиш ва шошилинч медицина ёрдами кўрсатиш учун ихтисослаштирилган бригадаларни ташкил этишни яқин икки йил ичида тугаллаш мўлжалланди.

Қарорда қишлоқларда соғлиқни сақлаш ишларини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилади. Шу мақсадда 1970 йилгача марказий район касалхоналарида ихтисослаштирилган бўлимлар ташкил этишга, касалхона шоҳобчалари ва амбулатория-поликлиника муассасаларини медицина кадрлари билан мустаҳкамлашга қарор қилинди.

Қарорда санитария-оқартув темаларида қисқа метражли 12 фильм чиқариш учун сценарийлар тайёрлаш кўзда тутилди. Узбекистон Касаба союзлари Советига, Узбекистон ССР коммунал хўжалик, соғлиқни сақлаш ва молия министрликларига шаҳарлар ва аҳоли яшайдиган пунктларнинг санитария ҳолати жиҳатидан яхши кўрсаткичларга эришган район ва шаҳар Советлари ижроия комитетларини, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарларини рағбатлантириш учун кўриладиган кўшимча тадбирлар тўғрисидаги таклифларни яқин вақт ичида тақдим этиш таклиф этилди.

Республиканинг барча мактабларида медицина пунктларини жойлаштириш учун binolar, 800 дан ортиқ ўқувчиси бўлган мактабларда эса типпи даволаш кабинетлари учун керакли бинолар ҳам ажратиб берилади.

Соцпал таъминот министрлиги Узбекистон ССР Госплани, соғлиқни сақлаш ва молия министрликлари билан биргаликда хроник беморлар учун бюджет ва хўжалик ҳисобидаги касалхона-пансионатларнинг махсус шоҳобчаларини, доим кузатиб туриш ва даволанишга муҳтож бўлган кишилар учун, шунингдек кексалар ва ёлғиз кишилар учун уй-пансионатлар ташкил этиш тўғрисидаги таклифларни 1967 йил 1 июлгача ишлаб чиқишлари ҳамда республика Министрлар Советининг муҳокамасига тақдим этишлари лозим.

Узбекистон ССР Савдо министрлигига ва Узбекбирлашувга Тошкентда ҳамда область марказларида болаларнинг овқатланиши учун ихтисослаштирилган магазинлар очиш, район марказларидаги озиқ-овқат магазинларида эса тегишли бўлимлар ташкил этиш, Узбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлиги билан биргаликда йодлаштирилган овқат тузини фасовка ва реализация қилишни таъминлаш, йоди кўп бўлган денгиз маҳсулотлари келтиришни кўпайтириш таклиф этилди.

Узбекистон ССР Алоқа министрлиги, область ва шаҳар ижроия комитетлари Тошкентда, область марказларида ва бошқа йирик шаҳарларда тез ёрдам станциялари ҳамда кичик станцияларга ва даволаш муассасалари ўртасида бевосита телефон алоқасини ўрнатишни 1967—1968 йилларда тугаллашлари лозим.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети соғлиқни сақлаш объектлари қурилишига катта аҳамият бериб, Узбекистон ССР Қурилиш министрлиги, Қишлоқ қурилиши министрлиги ва Главташкентстройдан медицина иншоотларини ишга тушириш йиллик планларининг ўзсиз бажарилишини таъминлашни талаб қилдилар. Область партия комитетларига ва Тошкент шаҳар партия комитетига медицина муассасаларини қуриш планлари қандай бажарилаётганлиги устидан контролни кучайтириш, бюро мажлисларида шу масала юзасидан қурилиш ташкилотларининг ҳисоботларини вақт-вақти билан тинглаб туриш таклиф этилди. Республикада оммабоп илмий медицина журнали — «Соғлом турмуш» журналини нашр этиш, шунингдек медицина адабиёти нашрини кенгайтириш мўлжалланди.

* * *

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Узбекистон ССР Министрлар Совети меҳнаткашларнинг сиҳат-саломатлиги тўғрисида ғамхўрлик қилиш партия, совет, комсомол ва жамоат ташкилотларининг энг муҳим вазифасидир, деб таъкидлайдилар ва соғлиқни сақлаш органлари аҳолининг моддий фаровонлиги ва маданий савиясини тобора ошириш негизида, медицина фани ва техникаси ютуқлари, иждоий ташаббус, халқ ташаббуси асосида партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлиги ва актив ёрдами билан, комсомол, касаба союз, хўжалик ташкилотлари ва бошқа ташкилотларнинг кенг ёрдами билан республика аҳолисига медицина ёрдамини янада яхшилаш ва аҳолининг сиҳат-саломатлигини сақлашни кучайтириш соҳасида янгидан-янги катта муваффақиятларга эришадилар, деб ишонч билдирадилар.

Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхозининг механизатори Абдулла Тиллаев ўз звеносига бириктирилган 61 гектар майдонга чигитни барвақт экиб олди. Суратда: Абдулла Тиллаев ғўза қатор ораларига ишлов беряпти.

К. Розиқов фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

ТУРКМАНЛАР ДИЁРИДА УЧРАШУВЛАР

ДЕКАДА адабий қисмининг очилиш тантаналари иккинчи кунининг асосий воқеаси бўлди. Декада адабий қисми декада бошланган жой — Мулланафас номидаги Академик драма театри биносида очилди.

Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Б. Овезов, Туркманистон ССР Министрлар Советининг Раиси М. Ғапуров, Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. Н. Риков, Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Н. Нишонов, Узбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. О. Азимов Туркманистон пойтахти жамоатчилигининг жуда кўп вакиллари билан бирга бу ерга келишди.

Туркманистон ёзувчилари союзи правлениесининг раиси Берди Кербобоев меҳмонларни қизғин табриклайди.

Ёзувчи, Узбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. О. Азимов дўстларга оташин салом топширади, у ҳам совет адабиётларининг буюк бирлиги тўғрисида гапиради.

Нотиқлар совет халқлари ва уларнинг адабиётлари дўстлигининг улуғворлиги тўғрисида, Советлар мамлакати ёзувчиларининг юксак вазифалари тўғрисида ҳаяжонланадилар. Нотиқлар орасида Узбекистон ёзувчилари союзи правлениесининг раиси Комил Яшин, атоқли туркман адабиётчилари Керим Курбоннепесов, Омон Кенилов, Нури Байрамов, Ота Отажонов, декада қатнашчилари — Миртемир, Асқад Мухтор, Қуддус Муҳаммадий, Собир Абдулла, Тиловберген Жумамуродов ва Узбек сўз усталарининг бошқа вакиллари бор эди. Буларнинг кўплари ўз ҳис-туйғуларини назм билан ифода қиладилар.

УЗБЕКИСТОН кино усталари яқинда яратган кинофильмларнинг денада кунларидаги премьераси янада завқли бўлди. Бу фильмлар республикада энг йирик «Мир» кино-концерт залида кўрсатила бошлади.

Туркман томошабинлари декада кунлари «Сайёд қўнғироғи», «26-нчи отилмасин», «Олмос» ва бошқа фильмларни кўрадилар. Улар бу фильмларни кўрибгина қолмай, иждоий учрашувларда уларга баҳо ҳам берадилар.

Туркман томошабинлари Узбекистон фильмлари тўғрисида кўпгина яхши гаплар айтдилар. Уларга «Ленин йўлланмаси билан», «Абу Али ибн Сино», «Сен етим эмассан», «Улуғбек юлдузи», «Осиё устида бўрон», «Блокнот саҳифаси» каби бадиий ва ҳужжатли фильмлар манзур бўлди.

Кинофестиваль очилишида икки қардош республика кинематографиясининг раҳбарлари А. Қарлиев билан А. Қаюмов бир-бирларини дўстона табриклашиб, юбилей йилида кино усталарига янги катта муваффақиятлар тиладилар.

УЗБЕКИСТОН Туркманистон санъат музейига ҳам кириб келди — бу ерда рассомлик, графика, ҳайкалтарошлик, тасвирий санъат усталари асарларининг катта виставкаси очилди. (ЎзТАГ).

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ МЕҲНАТ ВА ИШ ҲАҚИ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ДАВЛАТ КОМИТЕТИ БИЛАН БУТУНИТТИФОҚ КАСАБА СОЮЗЛАРИ МАРКАЗИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ

ҚАРОРИ

«КОРХОНАЛАР, МУАССАСАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ИШЧИЛАРИ ВА ХИЗМАТЧИЛАРИНИ ИККИ КУН ДАМ ОЛИНАДИГАН БЕШ КУНЛИК ИШ ҲАФТАСИГА ЎТКАЗИШ БИЛАН АЛОҚАДОР БАЪЗИ МАСАЛАЛАР ТЎҒРИСИДА»

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ МЕҲНАТ ВА ИШ ҲАҚИ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ДАВЛАТ КОМИТЕТИ БИЛАН ВЦСПС ПРЕЗИДИУМИНИНГ ТУШУНТИРИШ ХАТИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг 1967 йил 7 мартдаги 199 рақамли қарорига мувофиқ, СССР Министрлар Советининг Меҳнат ва иш ҳақи масалалари бўйича давлат комитети билан Бутуниттифоқ Касаба Союзлари Марказий Совети Президиуми ҚАРОР ҚИЛАДИЛАР:

«Корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ишчилари ва хизматчиларини икки кун дам олинадиган беш кунлик иш ҳафтасига ўтказиш билан алоқадор баъзи масалалар тўғрисида» СССР Министрлар Советининг Меҳнат ва иш ҳақи масалалари бўйича давлат комитети билан ВЦСПС Президиумининг тушунтиришлари тасдиқлансин.

СССР Министрлар Совети Меҳнат ва иш ҳақи масалалари бўйича давлат комитетининг раиси А. ВОЛКОВ.

Бутуниттифоқ Касаба Союзлари Марказий Совети Президиумининг раиси В. ГРИШИН.

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ МЕҲНАТ ВА ИШ ҲАҚИ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ДАВЛАТ КОМИТЕТИ БИЛАН БУТУНИТТИФОҚ КАСАБА СОЮЗЛАРИ МАРКАЗИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ

ТУШУНТИРИШ ХАТИ

КОРХОНАЛАР, МУАССАСАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ИШЧИ ҲАМДА ХИЗМАТЧИЛАРИНИ ИККИ КУН ДАМ ОЛИНАДИГАН БЕШ КУНЛИК ИШ ҲАФТАСИГА ЎТКАЗИШ БИЛАН АЛОҚАДОР БАЪЗИ МАСАЛАЛАР ТЎҒРИСИДА

СССР Министрлар Советининг Меҳнат ва иш ҳақи масалалари бўйича давлат комитети ҳамда ВЦСПС Президиумининг 1967 йил 8 апрелдаги қарори билан тасдиқланган.

СССР Министрлар Советининг Меҳнат ва иш ҳақи масалалари бўйича давлат комитети билан Бутуниттифоқ Касаба Союзлари Марказий Совети Президиуми **тушунтирадилар:**

1. Давлат, кооператив ва жамоат корхоналарининг, муассасалар ва ташкилотларнинг ишчилари ва хизматчилари бир ҳафталик иш вақтининг ҳозирги вақтда белгиланган умумий муддати сақланиб қолган ҳолда беш кунлик (беш иш куни ва икки дам олиш куни) иш ҳафтасига ўтказиладилар.

Беш кунлик иш ҳафтасида иш корхоналарнинг, муассасаларнинг ва ташкилотларнинг маъмурияти касаба союзларнинг фабрика, завод маҳаллий комитетлари билан келишиб тасдиқлаган графиклар бўйича бажариладн.

Иш графиклари конкрет ташкилий-техникавий шароитга қараб, ҳисобга олинадиган муайян вақт учун, яъни иш ҳафтасининг муддатига риоя қилиниши (ўртача) лозим бўлган муайян вақт учун тузилади. Бунда ҳам нормал иш куни билан, шунингдек ҳам қисқартирилган иш куни билан ишлайдиган ходимларнинг ҳамма категориялари учун олти кунлик иш ҳафтаси чоғидаги иш вақтининг йиллик балансини сақлаб қолиш таъминланиши лозим.

15 ёшдан 16 ёшгача бўлган ўсмирлар иш сменасининг муддати беш соатдан ошик бўлмаслиги, 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган ўсмирлар иш сменасининг муддати эса етти соатдан ошиқ бўлмаслиги шарт.

Иш графиклари жорий этилишидан камида икки ҳафта олдин ишчи ва хизматчиларга маълум қилиб қўйилади.

Нормал иш вақтида (олти кунлик иш ҳафтасининг календари бўйича ҳисоблаб чиқилган) иш соатлари зайрим бир ойда ошиқ ишлаб юборилганлиги ёки кам ишланганлиги, башарти ҳисобга олинадиган давр давомидаги ва календарь йил давомидаги иш вақтининг умумий баланси иш соатларининг белгиланган нормасига мувофиқ бўлса, графикни қайта кўриб чиқиш учун асос бўла олмайди.

2. Беш кунлик иш ҳафтасини жорий қилишда илова этиладиган иш графиклари тавсия қилинади.

Иш вақтига, дам олиш вақтига ва меҳнатни муҳофаза қилишга доир амалдаги қонунларда кўзда тутилган нормаларга риоя қилиш шарти билан бошқа иш графиклари ҳам қўлланилиши мумкин.

Асосий ишлаб чиқаришга кўмакчи хизмат кўрсатиш билан банд бўлган (масалан, ускуналарни планда кўрсатилган тарзда олдиндан ремонт қилиб қўйиш ёки бошқа ремонт ишларини бажараётган) ходимлар учун беш кунлик иш ҳафтаси графиклари татбиқ қилинганида дам олиш кунлари, ишлаб чиқариш манфаатларини назарда тутиб, иш ҳафтасининг асосий ишлаб чиқаришдаги ишчилар ва хизматчиларнинг дам олиш кунларига тўғри келмайдиган кунларида берилиши мумкин.

3. Беш кунлик иш ҳафтасига ўтиш муносабати билан кунлик тариф ставкаларини ва иш нормаларини қайта ҳисоблаб чиқишнинг ҳаммаё қолларида ишбай нархлари ўзгармай қолаверади.

Етти ва олти соатлик иш куни шароитига мосланиб, кунлик тариф ставкалари ўрнатилган тармоқларда беш кунлик иш ҳафтаси графиги жорий қилинган билан амалдаги кунлик тариф ставкалари шунга яраша 7 ва 6 га тақсимланади, олинган натижа эса график бўйича сменанинг давом қилиш вақтига кўпайтирилади (масалан, соат 8-00 минут, соат 8-12 минут, соат 7-00 минут, соат 7-12 минут).

Етти соатлик иш куни шароитида кунлик тариф ставкалари амалда бўлган ишлаб чиқаришларда кунбайчи ишчиларга олти кунлик 41 соатли иш ҳафтаси шароитида (иш кунининг муддати дам олиш кунлари олдида олти соатгача қисқартирилганига қарамай) тўлиқ олти кунлик ставка билан, яъни ҳафтасига 42 соат учун ҳақ тўланаётганлиги сабабли беш кунлик иш ҳафтасига ўтказилганида кунбайчи ишчиларнинг ставкаларини 1,024 коэффициентига кўпайтириш керак; (42:41-1,024).

Мисол: Тўртинчи разрядли кунбайчи ишчининг кунлик тариф ставкаси 2 сўм 08 тийин. Иш сменасининг давоми 8.2 соатлик беш кунлик иш ҳафтасига ўтказилган чоқда унинг янги кунлик ставкаси:

2 сўм 08 тийин $\times \frac{8,2}{7} \times$ — 1,024-2 сўм 49,4 тийин бўлади.

Агар кунлик тариф ставкаларини қайта ҳисоблаб чиққанда бир тийинининг юздан бир қисми миқдорида касир чиқиб қолса, бундай ҳолда 0,05 тийиндан кам бўлган миқдор чиқариб ташланади, 0,05 тийин ва ундан кўпроқ миқдор бир тийиннинг ўндан бир қисми қилиниб ҳисобга ўтаверади.

4. Корхоналарда, муассасаларда ва ташкилотларда беш кунлик иш ҳафтаси жорий қилинганида ишчи ва хизматчиларга навбатдаги ва қўшимча отпуска амалдаги конунда белгиланган иш куни миқдорида календарь бўйича (аммо график бўйича эмас) берилиши лозим. Ҳафтадаги дам олиш кунининг иккинчиси ҳисобига отпуска муддати кўпайтирилмайди.

Мисол: Муддати 18 иш кунига тенг келадиган отпуска олишга (12 иш куни назбатдаги отпуска меҳнат шароити зарарли ишлаб чиқаришларда ишлаётганлиги сабабли 6 иш куни қўшимча отпуска) олиш ҳуқуқига эга бўлган ишчи олти кунлик иш ҳафтаси шароитида 1967 йил 3 апрелда (душанба куни) отпускага чиққанида, 1967 йил 24 апрелда душанба куни, яъни 21 календарь кун ўтганидан сўнг, отпускадан қайтиши лозим.

Беш кунлик иш ҳафтаси шароитида ҳам шу ишчининг ўзи 1967 йил 24 апрелда (душанба куни), яъни 24 календарь кун ўтгандан кейин, отпускадан қайтиб келиб ишга чиқиши лозим.

Агар отпуска график бўйича дам олиш кунидан олдинги кунда, масалан, шанба ва якшанба кундан олдинги кунда тамом бўлса, у ҳолда ходим ишга душанба куни чиқиши лозим. Бу ҳолда шанба кунига ҳақ тўланмайди.

5. Отпуска тўламоқ учун ёки фойдаланилмаган отпуска учун компенсация тўламоқ учун ўртача иш ҳақи шундан олдинги 12 календарь ой учун тўланган иш ҳақини 12 ва 25,4 га тақсимлаш ва шундан ҳосил бўлган кунлик ўртача иш ҳақини календарь бўйича (аммо график бўйича эмас) отпусканинг иш кунлари миқдорига кўпайтириш билан ҳисоблаб белгиланади.

6. Беш кунлик иш ҳафтасига ўтказилган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ишчилари ва хизматчиларига меҳнат қобилиятини вақтинча йўқотганлиги учун тегишли нафақалар (шунингдек ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари) умумий қондалар бўйича ҳисоблаб чиқилади ва меҳнат қобилияти вақтинча йўқотиб қўйилганлиги (ёхуд ҳомиладорлик ва туғиш) сабабли ўтказиб юборилган график иш кунлари учун тўланади.

Нафақаларни ҳисоблаб чиқиш учун турли графикларда (олти кунлик ва беш кунлик графикларда) ишлаб турган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар иш даврини олиш лозим бўлган тақдирда бу ҳисоб иш соати учун тўланган ўртача ҳаққа асосланиб қилинади ва нафақа касаллик сабабли ўтказиб юборилган график иш соатлари учун тўланади.

Мисол: Ишбай усулида ишлаётган ишчи 1967 йил 11 сентябрдан 16 сентябргача қасал бўлиб ётибди, деб фараз қилайлик. Сменанинг иш муддати 8 соат. Беш кунлик иш ҳафтасига 1967 йил 1 августдан бошлаб ўтказилган. Август ва июль ойлари учун тўланган иш ҳақи 240 сўмни ташкил этган. Нафақанинг миқдори—иш ҳақининг 80 проценти.

Иш қобилиятини вақтинча йўқотганлиги учун тўланадиган нафақанинг миқдори қуйидагича бўлади:

240:(177X184) X40X0,8-21 сўм 12 тийин. Бунда: 177—июлда ишланган соатларнинг миқдори.

184—августда ишланган соатларнинг миқдори.

40—касаллик сабабли сентябрь графиги бўйича ишчи, ишга чиқмай қолган соатларининг миқдори.

0,8—нафақанинг миқдори (80 процент).

Беш кунлик иш ҳафтасига ўтказилган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ишчилари ва хизматчиларига меҳнатга вақтинча яроқсиз бўлиб қолганлик учун тўланадиган кундалик нафақанинг максимал миқдори давлат социал страхованиеси бўйича нафақалар белгилаш ва тўлаш тартиби тўғрисида ВЦСПС Президиумининг 1955 йил 5 февралдаги қарори билан тасдиқланган Низомнинг 20-моддасида белгиланган максимумнинг 6/5 (олти кунлик иш ҳафтасидаги иш кунининг миқдори билан беш кунлик иш ҳафтасидаги иш кунининг миқдори ўртасидаги нисбат) миқдорида белгиланади.

7. Бир ходимнинг иккинчи ходим ўрнида вактинча (12 иш кунидан кўпроқ) ишлаш муддати, яъни окладлардаги фарқни тўлаш ҳукукини берадиган муддат, календарь бўйича, аммо график бўйича эмас, иш кунларига асосланиб белгиланади.

8. Командировкада бўлган ишчилар ва хизматчилар ўзлари командировка бўлиб борган жойдаги корхона, муассаса, ташкилотнинг режими бўйича ишлайдилар ва ҳар ҳафталик дам олиш кунларидан фойдаланадилар. Командировкада бўлган вақт учун ва командировкадан қайтиб келинганида ходимга қўшимча дам олиш кунлари (уни командировкага юборган корхона, муассаса, ташкилотнинг иш режимидан ва ўзи командировкага борган жойдаги корхона, муассаса, ташкилотнинг иш режимидан қатъи назар) берилмайди. Бундан ходим ўзининг дам олиш кунларида ишлаш учун махсус командировкага юборилган ҳоллар мустаснодир.

Ходим командировкада бўлган вақт учун унинг ўртача иш ҳақи шу ходим доимий ишлаб турган жойдаги корхона, муассаса ва ташкилотда белгиланган график бўйича ҳафтанинг барча иш кунлари учун сакланиб колади.

9. Амалдаги қонунларда кўзда тутилган муайян календарь муддатларга риоя қилиш зарур бўлиб қолган ҳолларда, масалан, ходимни ишга узил-кесил қабул қилиш олдидан синов муддатини ҳисоблаб чиқишда, ходим ўз ҳоҳиши билан ишлан бўшатиш тўғрисида ариза берганида ва шу каби ҳолларда, беш кунлик иш ҳафтасига ўтиш муносабати билан белгиланган қўшимча дам олиш куни мана шу муддатга киритилади.

10. Беш кунлик иш ҳафтасига ўтиш муносабати билан белгиланган қўшимча дам олиш кунида давлат ва жамоат вазифаларн бажарилган вақт учун ходимнинг ишлаб турган жойдаги ўртача иш ҳаки сакланмайди, чунки у ишлаб берган беш кун учун ҳафталик иш ҳақи унинг ўзига тўла равишда тўланади.

11. Донор ишчи ва хизматчилар беш кунлик иш ҳафтасига ўтиш муносабати билан белгиланган қўшимча дам олиш кунидан олдинги кунда қон қуйиш учун қон берган ҳолларда уларга бошқа дам олиш куни берилиши ёки ўзларининг ҳоҳишларига қараб, навбатдаги отпускасига қўшилиши лозим.

ИККИ КУН ДАМ ОЛИНАДИГАН БЕШ КУНЛИК ИШ ҲАФТАСИ УЧУН

ТАВСИЯ ҚИЛИНАЁТГАН ГРАФИКЛАР

СССР Министрлар Совети Меҳнат ва иш ҳақи масалалари бўйича давлат комитети ва ВЦСПС Президиумининг Тушунтириш хатига

ИЛОВА

Ҳафтада 41 соат ишлайдиганлар (1-4- графиклар) учун таклиф қилинаётган қуйидаги графикларга технологня жараёнлари узлуксиз бўлмаган ишлаб чиқаришларда амал қилиш тавсия этилади. Ишлаб чиқариш узлуксиз тартибда давом этадиган — тўрт бригадали графиклар қўланиладиган ишларда иш ҳафтаси режимига ҳеч қандай ўзгартишлар киритилмайди.

1- ГРАФИК

Сменада иш вақти — 8 соату 12 минут.
Сменалар сони — 1(2).
Кундалик дам олиш вақти — 15 соату 48 минут.

ҲИСОБ-КИТОБ МАЪЛУМОТЛАРИ

Бир ҳафталик амалдаги иш вақти — 41 соат.
Бир ҳафталик узлуксиз дам олиш вақти — 63 соату 48 минут.
Иш кунларининг ўртача ойлик сони — 21,2.
Бир ойда ўртача ҳафталик дам олиш кунлари сони — 8,7.

ОЙНИНГ КУНЛАРИ

Кунлар	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15
Иш соатлари	8^{12}	8^{12}	8^{12}	8^{12}	8^{12}	Д	Д	8^{12}	8^{12}	8^{12}	8^{12}	8^{12}	Д	Д	8^{12}

Шартли белгилар: Д — дам олиш куни, 8 соату 12 минут — сменада иш вақти

ЭСЛАТМА: Ҳафтада 36 соат ишлайдиган ишчи ва хизматчилар учун ҳафтасига беш кун ишлаб, икки кун дам олиш режими ана шу график қўлланиб, фақат узлуксиз бўлмаган ишларда жорий этилади. Бу ҳолда иш сменасининг муддати бир соат кам бўлади. Яъни 8^{12} ўрнига етти соату 12 минут бўлади.

2-ГРАФИК

Сменада иш вақти — 8 соат.
Сменалар сони — 1(2).
Кундалик дам олиш вақти — 16 соат.

ҲИСОБ-КИТОБ МАЪЛУМОТЛАРИ

Ҳафта давомидаги ўртача бир ҳафталик амалдаги иш вақти — 41 соат.
Бир ҳафталик ўртача, узлуксиз дам олиш вақти — 61 соат.
Иш кунларининг ўртача ойлик миқдори — 21,7
Бир ойда ўртача ҳафталик дам олиш кунлари сони — 8,1

	Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума	Шанба	Якшанба
1—7-календарь ҳафта	8 соат	8 соат	8 соат	8 соат	8 соат	Д	Д
8-календарь ҳафта	8 соат	8 соат	8 соат	8 соат	8 соат	8 соат	Д

Шартли белгилар: Д — дам олиш куни, 8 — сменада иш вақти.

ЭСЛАТМА: Қўшимча иш кунлари учун (ҳар саккизинчи шанбада) иш ҳақи умумий қондалар бўйича тўланади.

3- ГРАФИК

Сменада иш вақти — 8 соат.
Сменалар сони — 1(2).
Кундалик дам олиш вақти — 16-17 соат.

ҲИСОБ-КИТОБ МАЪЛУМОТЛАРИ

Бир ҳафталик амалдаги иш вақти — 41 соат.
Бир ҳафталик узлуксиз дам олиш вақти — 60,7 соат.
Иш кунларининг ўртача ойлик сони — 21,7 соат.
Бир ойда ўртача ҳафталик дам олиш кунлари сони — 8,1 соат.

	Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума	Шанба	Якшанба
1—6-календарь ҳафта	8	8	8	8	8	Д	Д
7-календарь ҳафта	8	8	8	8	8	7	Д

Шартли белгилар: Д — дам олиш куни, 7 ёки 8—сменада иш вақти.

ЭСЛАТМА:
1. Бу график корхоналардаги ишчи ва хизматчиларнинг бир қисми 41 соатлик, иккинчи қисми эса 36 соатлик иш ҳафтасига эга бўлганда тавсия этилади. Бу график асосида иш куни 6-7 соат бўлган меҳнаткашлар 7 ҳафта мобайнида Қонунда кўзда тутилган ўртача иш соатларини ўтайдилар.
2. Қўшимча иш кунлари учун (ҳар еттинчи шанбада) ҳақ тўлаш умумий қондалар асосида амалга оширилади.

4- ГРАФИК

Сменалар сони — 3.
Бригадалар сони — 3.
Эрталабки ва кечқурунги сменаларнинг иш вақти — 8 соат.

ҲИСОБ-КИТОБ МАЪЛУМОТЛАРИ

Тунги сменада иш вақти — 7 соат.
Кундалик дам олиш вақти — 16-17 соат.
Бир ҳафталик амалдаги иш вақти — 41 соат.
Бир ҳафталик ўртача, узлуксиз дам олиш вақти — 56 соат.
Иш кунларининг ўртача ойлик сони — 22,5.
Бир ойда ўртача ҳафталик дам олиш кунлари — 7,2.

Ойнинг кунлари	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21
Ҳафтанинг кунлари	Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума	Шанба	Якшанба	Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума	Шанба	Якшанба	Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума	Шанба	Якшанба
1-бригада	Э	Э	Э	Э	Э	Э	Д	Т	Т	Т	Т	Т	Д	Д	К	К	К	К	К	Д	Д
2-бригада	К	К	К	К	К	Д	Д	Э	Э	Э	Э	Э	Э	Д	Т	Т	Т	Т	Т	Д	Д
3-бригада	Т	Т	Т	Т	Т	Д	Д	К	К	К	К	К	Д	Д	Э	Э	Э	Э	Э	Э	Д

Шартли белгилар: Э, К, Т — эрталабки, кечки, тунги сменалар, Д — дам олиш куни.

ЭСЛАТМА: Ҳафтада 36 соат ишлаб, шу графикка амал қилувчиларнинг эрталабки ва кечки сменалари 7 соат, тунги сменалари 6 соату 30 минут ва дам олиш кунидан олдинги сменаси 6 соат бўлади.

5- ГРАФИК

(Тўқимачилик саноати корхоналарида амал қилинадигани).

Сменалар сони — 3.
Бригадалар сони — 3.
Сменада ўртача иш вақти — 7,9 соат.
Кундалик дам олиш вақти — 16-17 соат.

ҲИСОБ-КИТОБ МАЪЛУМОТЛАРИ

Бир ҳафталик амалдаги иш вақти — 40,6 соат.
Бир ҳафталик узлуксиз дам олиш вақти — 56 соату 20 минут
55 соат 20 минут.
Иш кунларининг ўртача ойлик сони — 21,8.
Бир ойда ўртача ҳафталик дам олиш кунлари сони — 8,8.

Апрель

	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30
1 смена (кундузги)	А	А	А	А	А	Б	Б	Б	Б	Б	В	В	В	В	В	А	А	А	А	А	Б	Б	Б	Б	Б	В	В	В	В	В
2 смена (кечки)	Б	Б	Б	В	В	В	В	В	А	А	А	А	А	Б	Б	Б	Б	Б	В	В	В	В	В	А	А	А	А	А	Б	Б
3 смена (тунги)						А					Б					В					А					Б				
Дам олиш кунлари		В	Б	Б			А	А	В	В		Б	Б	А	А		В	В	Б	Б		А	А	В	В		Б	Б	А	А

Май

	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31
1 смена	—	—	А	А	А	Б	Б	Б	Б	Б	В	В	В	В	В	А	А	А	А	А	Б	Б	Б	Б	Б	В	В	В	В	В	А
2 смена	—	—	Б	В	В	В	В	В	А	А	А	А	А	Б	Б	Б	Б	Б	В	В	В	В	В	А	А	А	А	А	Б	Б	Б
3 смена	—	—				А					Б					В					А					Б					В
Дам олиш кунлари		В	В	Б	Б		А	А	В	В		Б	Б	А	А		В	В	Б	Б		А	А	В	В		Б	Б	А	А	

Шартли белгилар: А — биринчи бригада, Б — иккинчи бригада, В — учинчи бригада, — — байрам кунлари.

Фан ва ҳаёт

ТОҒ ЖИНСИНИНГ МЎЪЖИЗАСИ

Маълумки пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган эҳтиёж кун сайин ортиб бормоқда. Бу, кўпдан-кўп фойдаланилмай ётган кўриқ ерларни тезроқ ўзлаштиришни, ўзлаштирилган ва ўзлаштирилаётган ерлардаги экиндларнинг ҳосилдорлигини оширишда кенг қўлланиладиган азотли, калийли ва бошқа ўғитлар сингари фосфорли ўғитларни ҳам кўплаб ишлаб чиқаришни талаб қилмоқда.

Фосфорли ўғитлар асосан фосфорит деб аталувчи ҳар хил минерал (кварц, глауконит, кальцит, доломит)лардан ва фосфатдан ташкил топган чўкинди тоғ жинси — тошлардан олинади. Фосфоритлар агрономик рудалардан биридир. Фосфоритлар табиатда оқ, сариқ, саргчш, қўнғир, қизғиш, қоратир, қора, жигарранг, кулранг ва бошқа рангларда учрайди. Улар оддий жинслардан ўзига хос хусусияти билан кескин фарқ қилади. Чунки, фосфоритлардан олинган намунани бир неча бўлакларга бўлиб, бу бўлакларни бир-бирига ишқалаганда ёқимсиз палагда ҳид сезилади.

Геологларимиз томонидан шу кунгача республикамизнинг турли районларидан 130 дан ортиқ фосфоритлар мавжуд бўлган жойлар аниқланди. Бу фосфоритларнинг кўпчилиги желвоқсимон, камроқ гравелитсимон ва донадор типдаги фосфоритлардан бўлиб, палеозой, бўр ва палеоген ётқизиқларига тўғри келади. Топилган фосфоритларнинг бирортаси ҳам ўзининг сифати, қалинлиги ва бошқа хусусиятлари жиҳатидан саноат талабига жавоб берганича йўқ. Шу сабабларга кўра ўсимликлар ҳаёти учун энг зарур бўлган суперфосфат, аммонийлашган суперфосфат, термофосфат ва бошқа кўпгина минерал ўғитлар тайёрлаш учун асосий хом ашё ҳисобланган фосфоритлар Ўзбекистонга Украинадан, Қозоғистондан, Уралдан ва бошқа узоқ ўлкалардан келтирилмоқда. Ташиб келтирилаётган хом ашёларга кўплаб харажатлар сарфланмоқда.

Тўғри, геологларнинг кўп йиллик самарали ва тинимсиз меҳнатлари бекор кетмади. Яқинда улар Гулиобда, Боботоғда 2 метр қалинликка эга бўлган юқори сифатли донадор фосфорит конларини топдилар. Топилган фосфоритнинг таркибида ўсимликлар ҳаёти учун зарур бўлган модда 18 процентни ташкил қилади. Бойитиш натижасида бу модданинг миқдори 26 процентгача кўпайди. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясига қарашли химия институтида Гулиоб фосфорити синаб кўрилди. Натижада ундан аммонийлашган суперфосфат, шунингдек экстракцион фосфор кислотаси ишлаб чиқиш мумкинлиги аниқланди. Бироқ Ҳисордаги бу бебаҳо хом ашё ҳали ишга солингани ича йўқ.

Сўнгги йилларда геологларимиз зиммасига фосфоритларни тезроқ излаш, уларни ҳар тарафлама чуқур ўрганиш каби муҳим масалалар юклатилганлигининг сабаби ҳам ана шунда.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ҳ. М. Абдуллаев номидаги геология ва геофизика институти ходимларининг кейинги йилларда Ғарбий Ўзбекистон чўкинди жинслари устида олиб борган илмий тадқиқот ишлари натижасида, йўл-йўлакай бу жинслар ичидан яхши сифатли гравелитсимон ва батамом ҳайвонот қолдиқлари — балиқ тангачалари, тишлари, умуртқа поғоналари ва бошқа суякларидан ташкил топган 0,1 метр дан 2,5 метргача қалинликдаги фосфорит қатламлари аниқланди. Топилган фосфоритларнинг барчаси Ўрта Осиёда кенг тарқалган палеоген ётқизиқларига тўғри келмоқда. Ғарбий Ўзбекистонда, чунончи Қизилқум ва Зирабулоқ — Зиёвуддин тоғларида шу кунгача фақат сифатсиз желвоқсимон фосфорит қатламлари тарқалган жойларгина маълум эди, холос.

Гравелитсимон фосфорит қатламлари ҳозирча Зирабулоқ—Зиёвуддин тоғларч ёнбағирларида жойлашган Кармана (қалинлиги 0,4-0,5 метр), Каттақўрғон (қалинлиги 0,6 метр), Қизилқумдаги Қорамулла (Бўконтовнинг шимоли -шарқида, қалинлиги 2,5 метр), Томдиқудуқ (Томдитовнинг шимолида, қалинлиги 0,2-0,40 метр), Оқсой (Аристон—Бегтовнинг жанубий-шарқида, қалинлиги 0,4-0,5 метр)даги айрим-айрим жойлардангина топилди. Батамом ҳайвонот қолдиқларидан иборат бўлган фосфорит қатламлари эса фақат бир жойдан, яъни Томдитовнинг жанубий-шарқида жойлашган Джерой деб аталувчи ердангина топилди. Джеройда фосфорит уч қатламдан иборат бўлиб, қалинлиги 0,1 метрдан 0,5 метргача боради. Уч қатламнинг умумий қалинлиги 1,0 метр бўлиб, 10 метрли оқиш рангга эга бўлган (геологлар тилида «мергель» деб аталувчи) жинслар ичида китоб варақларидек қатланиб ётади.

Ҳайвонот қолдиқларидан тузилган фосфорит қатламлар таркибида ўсимликлар ҳаёти учун зарур бўлган модданинг миқдори жуда ҳам кўп. Чунончи, бу қатламлардаги асосий модда ҳисобланган фосфор ангидридининг миқдори 25-28 процентни ташкил қилади. Шунинг учун ҳам бу жинслар энг юқори сифатли фосфоритлардан бири бўлиб чиқди. Ўзининг сифати, ташқи кўриниши ва бошқа хусусиятларига кўра Ўзбекистонда биринчи аниқланган бу фосфорит қатламлари Жазоир, Тунис, Марокаш, шунингдек Шимолий Кавказдаги машҳур Майкоп (олигоцент—миоцен) ётқизиқлари орасида учровчи фосфорит қатламларига ўхшайди. Келтирилган фосфоритлар Жазоирда 0,5-3,50 метр, Тунисда 0,6-4,0 метр, Марокашда ўртача 1,7 метр қалинликда. Айниқса, Шимолий Кавказдаги фосфоритлар жуда ўзгарувчан линзага ўхшаш батамом ҳайвонот қолдиқларидан тузилган фосфор ангидридига бой бўлган, қалинлиги бир неча сантиметрдан бир неча метргача етадиган қатламлардан иборат.

Қизилқумдаги фосфорит қатламлари юқорида айтилган фосфоритлардан фақат қалинликлари билангина фарқ қилмоқда. Солиштирилган (масалан, Шимолий Кавказдаги) фосфоритларнинг линзасимон шаклда ғузилганлигини назарга олганда, Ғарбий Ўзбекистонда ва республикамизнинг бошқа районларида ҳам юқори сифатли қалин фосфорит қатламлари бор, улар яқин пайтларда ишга туширилади, дейишга асос беради, албатта.

Яқинда Буконтой (Марказий Қизилқум)нинг жанубида жойлашган Баскарч тепалиги ёнбағрида эцен ётқизиқларига мансуб қалинлиги 4,20 метр яна бир фосфорит қатлами топилди. У мергелсимон тупроқдан тузилган бўлиб, таркибидаги фосфор ангидридининг миқдори 7,65 процентни ташкил қилади. Характерлиси шундаки, қатламдан олинган намуна сувда бир оз ювилганда унинг таркибидаги фосфор ангидридининг миқдори 20-25 процентгача кўтарилади. Ювилган намунанинг деярли 75 проценти фосфор ва микроэлементларга бой ҳайвонот қолдиқларидан иборат.

Келтирилган маълумотлар Ўзбекистонда, шунингдек Ўрта Осиёнинг бошқа ерларида кенг тарқалган чўкинди жинслар ичида (айниқса палеоген ётқизиқларида) Кавказдагидек, Жазоир, Тунис ва Марокашдагидек қалин жинс қатламлари — бебаҳо фосфоритлар борлигидан далолат бермоқда.

Қизилқумдан топилган янги фосфоритлар юзлар валашда қалаванинг учи ҳисобланиб, геологларимизга саноат аҳамиятига эга бўлган қалин фосфорит қатламларини яқин вақтлар ичида тезроқ топишларига ва саноатга жорий этишларига ёрдам беради.

Н. УБАЙДУЛЛАЕВ,
Узбекистон ССР Фанлар академияси Ҳ. М. Абдуллаев номидаги геология ва геофизика институтининг аспиранти.

ФАН ВА ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

ОЛТИН ҚИДИРУВЧИ МАШИНА

Совет олими Михаил Бонгрэд (Москва) яратган электрон машина қимматбаҳо металларни қидиришда қўлланила бошланди. Янги машина геологик, геохимик, геофизик ва радиацион маълумотларни тез анализ қилиб беради. Олинган маълумотларга қараб, қимматбаҳо металлар бор зоналарни аниқлаш мумкин.

Электрон машина Шарқий Сибирдаги кам ўрганилган зоналарда текширишдан ўтказилди. Текширилган 100 та жойдан 85 тасида олтин борлиги аниқланди. Ҳозир электрон машина билан Шарқий Сибирь районларининг кўпгина қисми текширилятпи. Олиб борилган кузатишлар кўпгина ерларда қимматбаҳо металлар борлигини кўрсатди.

ШАҲАРЛАР ҲАВОСИ ТОЗА БЎЛАДИ

Яқинда Москвада бўлиб ўтган симпозиум шаҳарлар ҳавосини тоза сақлаш масаласини ҳал қилди. Ҳозир Совет Иттифоқида шаҳарлар ҳавосини тоза сақлаш ишларини координацияловчи ҳукумат комиссияси ишлаб турибди. Москвадаги 25 та контроль пости атмосферанинг ўзгаришини кузатмоқда. Ҳозир Москвада бир неча минг автомобиль заҳарли газларни нейтралловчи аппарат билан жиҳозланганки, бу ўзининг яхши натижаларини бермоқда. Келажакда ҳамма автомобиллар ҳам шундай нейтрализаторлар билан жиҳозланади. Шаҳарларда ер ости ва ер устида қурилувчи ўтиш жойлари ҳавонинг тоза сақланишига ёрдам беришлиги аниқланди. Техника ривожланиб, автомобиллар заҳарли газ чиқармайдиган кунлар ҳам узоқ эмас, албатта.

Ш. ҒУЛОМОВ,
Қ. АҲМЕДОВ.

Фарида Тошбекова ва Турсуной Йўлбарсова ўртоқлар кўп йилларидан буён Қўрғонтепа районидаги «Ойним» совхозида сут соғувчи бўлиб ишлаб келяптилар. Уларнинг ҳар бири ўтган йили ўзларига бириктирилган сигирлардан 31-32 тоннадан сут соғиб олган эдилар. Улар бу йил бундан ҳам кўп сут соғиб олиш ҳақида ўз зиммаларига оширилган мажбурият олишди. Ўнгдаги суратда: (чапдан) Ф. Тошбекова ва Т. Йўлбарсова.

Г. Кечкин фотоси.

Оҳангарондаги қурилиш материаллари ва буюмлари пластмасса комбинатида (чапдан-ўнгга) Хадича Гайфуллина, Раиса Гарифулина, Дилбар Мирсаидова, Муаззам Зоҳидова ўртоқлар баракали меҳнат қилмоқдалар. Дугоналар линолиум ишлаб чиқарувчи агрегатда ишлайдилар. Улар Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги шарафига меҳнат вахтасида туриб ишлаб, смена топшириқларини ошириб адо этмоқдалар.

И. Глауберзон фотоси.

УНВОНЛАР МУБОРАК!

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМНИНГ ФАРМОНИ

Узбекистон ССР Министрлар Совети Радиоэшиттириш ва телевидение давлат комитети «Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони бериш тўғрисида

Узоқ йиллар, самарали ишлаганлиги ва республикада радиоэшиттириш ва телевидениени ривожлантиришдаги катта хизматлари учун қуйидагиларга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берилсин:

1. **Бухороева** София Шокировнага — республика радиоэшиттиришининг старший редактори.

2. **Зиёев** Бурҳонга — Республика радиоэшиттиришининг бош редактори.

3. **Исҳоқов** Фозил Исҳоқовичга — редактор-таржимон.

4. **Семенов** Виктор Александровичга — республика радиоэшиттириши программасини мувофиқлаштирувчи бош редактор.

5. **Протопопов** Дмитрий Николаевичга — Бутуниттифоқ радиосининг Ўзбекистондаги мухбири.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. НАСРИДДИНОВА.
Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

1967 йил 6 май,
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Д. ЗОКИРОВГА «Узбекистон ССР халқ артисти» фахрий унвони бериш тўғрисида

Музыка маданиятини пропаганда қилиш соҳасидаги катта хизматлари ва юксак концерт-ижрочилик маҳорати учун Ўзбекистон радио ва телевидениеси халқ чолғу асбоблари оркестрининг бош дирижёри **Дони Зокирова** «Ўзбекистон ССР Халқ артисти» фахрий унвони берилсин.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. НАСРИДДИНОВА.
Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

1967 йил 6 май,
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

О. АЛИМАХСУМОВГА ва Ҳ. ИЗОМОВГА «Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист» фахрий унвони бериш тўғрисида

Юксак концерт-ижрочилик маҳорати ва музика маданиятини пропаганда қилиш соҳасидаги актив фаолияти учун Ўзбекистон ССР Министрлар Совети радиоэшиттириш ва телевидение давлат комитетининг ходимлари, оркестр солисти Ориф **Алимахсумовга** ва музика коллективлари бадиий раҳбари, композитор Ҳайри **Изомовга** «Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артист» фахрий унвони берилсин.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. НАСРИДДИНОВА.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

1967 йил 6 май
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Узбекистон ССР Министрлар Совети радиоэшиттириш ва телевидение давлат комитети ходимларига «Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган алоқа ходими» фахрий унвони бериш тўғрисида

Ўзбекистонда радиоэшиттириш ва телевиденени ривожлантиришдаги узоқ йиллик ва бенуқсон ишлаганликлари ва катта хизматлари учун қуйидагиларга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган алоқа ходими» фахрий унвони берилсин.

1. **Бричник** Василий Елисеевичга — Тошкент телевизион маркази аппарат-студия комплексининг бошлиғи.

2. **Раҳимов** Ғафурга — радио уйнинг директори, бош инженери.

3. **Руднев** Александр Федоровича — Тошкент телевизион марказининг старший инженери.

4. **Сафоев** Фотих Боқиевича — Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Радиоэшиттириш ва телевидение давлат комитети техника бошқармасининг бошлиғи.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. НАСРИДДИНОВА.
Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

1967 йил 6 май,
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Е. Г. САРУХОНОВГА «Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи» фахрий унвони бериш тўғрисида

Тошкентдаги 69-мактаб директори Ервант Григорьевич **Сарухоновга** ёш авлодни ўқитиш ва коммунистик руҳда тарбиялаш борасидаги узоқ йиллик ва самарали фаолияти учун «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи» фахрий унвони берилсин.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. НАСРИДДИНОВА.
Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

1967 йил 6 май.
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

М. МУБОРОВГА «Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи» фахрий унвони бериш тўғрисида

Тошкент шаҳридаги 59-мактаб ўқитувчиси Мажид **Муборовга** ёш авлодни ўқитиш ва коммунистик руҳда тарбиялаш борасидаги узоқ йиллик ва самарали фаолияти учун «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи» фахрий унвони берилсин.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. НАСРИДДИНОВА.
Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

1967 йил 6 май,
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

А. ОМОНОВГА «Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи» фахрий унвони бериш тўғрисида

Бухородаги 10-қишлоқ профессионал-техника билим юртининг директори Абдулло **Омоновга** қишлоқ хўжалик механизаторлари тайёрлаш борасидаги самарали катта ишлари учун «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи» фахрий унвони берилсин.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. НАСРИДДИНОВА.
Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

1967 йил 6 май.
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

А. БЕККУЛОҚОВГА «Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган чорвадор» фахрий унвони бериш тўғрисида

Бухоро областининг Конимех районидаги «Октябрь 40 йиллиги» совхозининг директори Абдураҳим **Беккулоқовга** қорақўлчиликни ривожлантиришдаги узоқ йиллик самарали иши ва катта хизматлари учун «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган чорвадор» фахрий унвони берилсин.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. НАСРИДДИНОВА.
Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

1967 йил 6 май.
Тошкент шаҳри.

УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Радиоэшиттириш ва телевидение давлат комитети ходимларидан бир группаси республикада радиоэшиттириш ва телевидениени ривожлантиришдаги катта хизматлари учун Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига биноан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

●

Ўзбекистон радиомаркази ходимларидан бир группаси Ўзбекистон радиомаркази корхоналарида узоқ йил ишлаганликлари учун Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фармонига биноан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

СОВЕТЛАР МАМЛАКАТИДА

Бепоён мамлакатимизнинг ҳамма ерида Совет ҳокимиятининг 50 йиллиги шарафига социалистик мусобақа кенг қулоч ёймоқда. Озарбайжон ССРдаги Сумгант алюмин заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари юбилей олди мусобақасида янгидан-янги таташаббусларнинг ташкилотчилари бўлаётирлар. Корхонанинг электролиз цехи металлургларга тўрт йиллик программани муддатидан илгари бажардилар. Заводнинг бошқа цехларида ҳам ишлаб чиқариш топшириқларини ортиқ ва бажараётган коллективлар кўпайиб боряпти. Суратда: эритилган алюминни бўшатиш.

В. Пашченко фотоси.
(ТАСС фотохроникаси).



„ГАЗЕТХОНЛАР ХАТЛАРИДАН"

ШИФОКОРЛАР

Редакцияга «Мен Сиздан даво топдим», «Раҳмат, врачлар», «Саломатлик посбонларига офарин» деган юрак сўзлари билан бошланадиган хатлар кўплаб келиб туради. Мана улардан баъзилари:

«Бобохон Аҳмедов 1959 йили Тошкент Давлат медицина институтини муваффақиятли битиргач, Денов районига йўлланма олди,— деб ёзади газетхон Г. Чориева,— ишбилармон ва пиринсухан бу йигит оз вақт ичидаёқ ҳамманинг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлди. У ҳозир «Ғалаба» қишлоқ касалхонасининг бош врачи. Қишлоқ врачи касалликнинг ҳамма хилини даволашни билиши керак. Бобохон ҳам буни яхши тушунади. Аҳмедов оғир операцияларга ҳам дадил қўл урди. Натижада Тошбиби Худоёрова, Тошқўзи Мусурмонова, Узрим Эсонов, Розиқ Холмирзаев кабиларни ўлим чангалидан қутқариб қолди.

Олтиариқ районлик У. Валиев, Т. Иброҳимов ўртоқларнинг хатларида ҳам «қишлоқ шифокорларининг хизматлари ҳикоя қилинади. Райондаги илгор хўжаликлардан бири «Намуна» колхозида 50 ўринли касалхона, 20 ўринли туғруқхона, бир неча медицина пунктлари колхозчилар хизматида. Уларда Т. Каҳҳорова, И. Иброҳимова, Ҳ. Пўлатова каби касбини қадрлайдиган, шарафлайдиган қўли гул шифокорлар хизмат қилишади.

Шарофатхон Урайимова жуда ёшлигиданоқ врач бўлишни, кишилар дардига даво топиб, уларни яна қайноқ меҳнат қучоғига қайтаришни орзу қиларди. Орзу йўлида тинмай ўқиган, ўрганган қиз мана энди етук шифокор бўлиб етишди. У бир неча йилларидан бери Фарғона область Киров районидаги Рапқон қишлоқ касалхонасининг бош врачи, шифокорлар онахони. Шарофатхон опани фақат касалхонада эмас, гоҳ далада, гоҳ фермада ёки боғчада ҳам кўрасиз. Тиним билмас бу аёл меҳнаткашлар билан тиббий темада суҳбатлар ўтказади. Шарофатхон опанинг ўнлаб шогирдлари бор. Улар ўз устозларидан касалликни қандай даволашнигина эмас, балки бемор юрагига қандай йўл топишни ҳам ўрганадилар. Бу ширин сўз аёл ҳақида Х. Зоҳидова, Б. Салимов ўртоқлар ёзиб юборишган.

Сирдарё район касалхонасининг врачи В. Назмуддинова, самарқандлик шифокорлар Х. Каримова ва Г. Любовичга, Тошкент шаҳар 1-касалхонанинг врачи Т. Тожиевага, уларнинг қўлида даволанган А. Жомаҳмедов, Н. Ёқубов, Х. Содиқов ўртоқлар миннатдорчилик билдирадилар.

Ўртоқ Ж. Сайдаҳмедовнинг Наманганда юборган материали ҳам шифокорлар темасига бағишланган. Республика меҳнат ва даволаш «Пахталиқўл» санаторийсининг хирурги Идоятов назватдаги операцияни ўтказиб эндигина хонасига кирган эди, ҳамшира «доктор, ҳозирги бемор безовта бўляпти» деди. Идоятов касални яна синчиклаб текширди. Қон қуйиш керак! Бу группа қон ҳозир йўқ. Нима қилиш керак? Ҳамшира Людмила Қузьмина беморга ўз қонини берди. Касал — Евгений Владимирович Фирсов тузалиб, касалхонадан чиқар экан, шифокорларга айниқса ҳамшира қизга самимий ташаккур билдирди. Сизни умр бўйи унутмайман, сиз туфайли мен омон қолдим, деди.

Газетхонлардан А. Тўхтасинов ва Р. Неъматов ўртоқлар эса редакцияга юборган хатларида шифокорлар сафи кенгаяётгани ҳақида ҳикоя қилишади. Уларнинг хатларида айтилишича, Наманган ва Қўқон медицина билим юртларини яқинда икки юздан ортиқ йигит-қиз муваффақиятли тамомлаган.

Ҳамма ерда ҳам врачлар аҳолига намунали хизмат кўрсатяпти-ми? Йўқ. Фикримизнинг далили учун яна хатларга мурожаат қиламиз. Ш. Мардонқулов, О. Қосимова ўртоқлар ёзишади:

«Самарқанд районидаги Энгельс номли колхоз медицина пункти номигагина бор. Чунки бу ерда фельдшерни вақтида учрата олмайсиз. Медицина пункти кўп вақт қулф туради. Агар фельдшерни қидириб топсангиз ҳам ундан доимо «бу касалнинг дориси бизда йўқ ноғли тамом бўлган эди», деган сўзларни эшитасиз. Биз қачон намунали медицина пунктига ва халқча ҳалол хизмат қиладиган фельдшерга эга бўламиз?» Бундай хатларни самарқандлик Т. Аҳмед ва З. Ашуров ўртоқлар ёзиб юборишди.

Н. Ёқубоев (Наманган), С. Ҳидоятов (Тошкент), Х. Жалилов (Бухоро), А. Кенжалов (Сирдарё) ўртоқлар ҳам саломатлик посбонларига қалб ташаккурини изҳор этганлар.

РАДИО КУНИГА БАҒИШЛАНГАН КЕЧА

Тошкентдаги Свердлов номли концерт залида Радио кунига бағишланган кеча бўлиб ўтди. Янгилиш Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири М. М. Раҳмонқулов очди.

Янгилиш қатнашчилари КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросини баланд руҳ ва яқдиллик билан фахрий президиумга сайлайдилар.

Бу йил умумхалқ байрами Ўзбекистонда радиоэшиттиришнинг 40 йиллиги ва Тошкент телевидение студияси ташкил топганлигининг 10 йиллиги билан бир кунга тўғри келди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Н. М. Матчонов, гулдирос қарсаклар остида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг республика радио ва телевидение ходимларига табригини ўқиб эшиттирди. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети радиоэшиттириш ва телевидение давлат комитетининг раиси У. Я. Иброҳимов Радио куни тўғрисида доклад қилди.

СССР Министрлар Совети радио эшиттириш ва телевидение комитети раисининг биринчи ўринбосари Э. Н. Мамедов, бир қанча қардош республикалар радио эшиттириш ва телевидение давлат комитетларининг вакиллари, Туркистон ҳарбий округи Ҳарбий кенгашининг аъзоси — сиёсий бошқарма бошлиғи генерал-майор А. В. Дебалюк журналистлар, режиссёрлар, операторлар, инженер-техник ходимларнинг улкан коллективини — Ўзбекистон радио эшиттириш ва телевиденнесининг барча меҳнаткашларини қизғин табриклашдилар.

Янгилишда радио ва телевидение ходимларидан бир группасига Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари ва фахрий унвонлар бериш тўғрисидаги Ерлиқлар топширилди.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг раиси С. Ҳ. Сирожиддинов мукофотларни топшира туриб, мукофотланганларни қизғин табриклади, уларга меҳнатда ва шахсий ҳаётларида янги-янги муваффақиятлар тилади.

Янгилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси аъзолигига кандидат М. Т. Турсунов, республика Министрлар Совети раисининг ўринбосари С. К. Зиёдуллаев иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

ХАТЛАРИНГИЗГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Талаб қондирилди

Косон посёлкасидан Майманақ қишлоғигача бўлган масофада ҳар куни кўплаб ишчилар, ўқитувчилар, медицина ходимлари ва бошқа касб эгалари қатнайди. Улар орасида қариялар, болали оналар ҳам оз эмас. Аммо шундай серқатнов йўлга бирорта автобус қўйиш ҳеч кимнинг эсига келмаяпти. Бизнинг бу ҳақдаги талабимиз оқибатсиз қолдирилятпи. Масалага редакция аралашувини сўраймиз.

Йўловчилардан олинган бу хат меҳнаткашлар депутатлари Косон район Совети ижроия комитетига юборилган эди. Олинган жавоб хатида бундай дейилади:

Текширишда меҳнаткашларнинг хатида келтирилган фактлар тўла тасдиқланди. Аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш мақсадида Косон-Майманақ маршрути бўйича автобус қатнови йўлга қўйилди.

Қилмиш қидирмиш

«Сирдарё — Тошкент» маршрути бўйича қатнаётган «ТШВ 53-49» автобусида Тошкентга жўнадим. Ярим йўлга келганимизда шофёр автобусни тўхтатиб, яна пули йига бошлади. Ҳаммадан пул олди-ю, ленин билет бермади. Бунинг устига «йўлда контролер чиқиб қолса, автобусга ҳозиргина ўтирдик денглар» деб тайинлади. Бундай юлғичликка қачон чек қўйилади?

Йўловчиларнинг редакцияга йўллаган бу хати Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти ва тош йўллар министрлигига юборилди. Министр ўринбосари ўртоқ В. Ражабов имзоси билан олинган жавоб хатида қуйидагилар айтилади:

Текширишда йўловчиларнинг хатида келтирилган фактлар тўла тасдиқланди. «ТШВ 53-49» автобусининг шофёри Р. Шестаков ишдан бўшатилди. Тошкент ва Сирдарё область автомобиль трестларининг бошқарувчиларига автобуслар қатнови ва шофёрларнинг фаолияти устидан назоратни кучайтириш топширилди. Баъзи юлғич шофёрлар фаолиятидаги нуқсонларнинг такрорланишига йўл қўймаслик чоралари кўрилди.

Тўртлик мамлакатларда

ҚАСОС

ХАНОЙ. «Қўлингни кўтар!»— Мана шу буйруқ хитоблари 5 майда Ханой атрофидаги кўпгина жойларда эшитилиб турди. Ханой теграсида уриб туширилган америкалик учувчиларни асир қилиб олиш ишида ўнлаб кишилар: ишчилар, милиционерлар, солдатлар, лашкар қизлар қатнашди. Авиация ҳужумидан кейин бир ярим соат ўтгач, Ханой радиоси, самолётдан сакраб тушган Америка учувчиларининг ҳаммаси ерга қўнишлари биланоқ асир қилиб олинганликларини хабар қилди.

Ханойда халқаро клубга олиб борадиган кўчалар 6 май эрта саҳар пайтида қаҳр-ғазаб хитоблари билан тўлиб тошди. Асир қилиб олинган америкалик учувчиларни матбуот конференциясига мана шу кўчалардан олиб ўтишди. Ханой ҳарбий қўмондонлигининг вакили Бу Куанг Дао матбуот конференциясида гапириб, «Пойтахтимизга ҳамла қилган Америка агрессорлари шармандаларча мағлубиятга учраганлигидан далолат берувчи яққол далилларни жаҳоннинг турли мамлакатларидан келган журналистлар ўз кўзлари билан кўришларини истаймиз», деди.

Америкалик учувчиларни бирин-кетин халқаро клубга олиб киришди АҚШ ҳарбий-ҳаво кучларининг подполковниги, 1927 йилда туғилган Жеймс Линдберг Хьюз бомбардимончи қирувчи «Ф-105 Д» самолётида Таиланддаги Корат аэродромидан учиб келиб, Ханойга ҳужум қилган. АҚШ ҳарбий-ҳаво кучларининг лейтенанти, 1942 йилда туғилган Жайрс Ричард Шайвэли ҳам бомбардимончи қирувчи «Ф-105 Д» самолётида учиб келган. Аммо, бу самолёт Таиланддаги бошқа аэродромдан — Такли аэродромидан парвоз қилган эди. У бошини қуйи солиб ўтирибди, ҳеч кимга тик қарашга энди унинг мажоли йўқ. АҚШ ҳарбий-ҳаво кучларининг подполковниги Гордон Алберт Ларсон ёши 40 да бўлса ҳам, лекин мўйсафид бўлиб қолган. У ҳам бошини кўтара олмай, қуйи солиб маъюс ўтирибди. Кечинмалар ва қўрқиш унинг тинкасини қуритиб қўйган.

Бир неча кун муқаддам бу шахслар Ханой осмонида қора ажал каби айланиб юриб, унинг заводларига ва маҳаллаларига ўнлаб фугас бомбалар ва юзлаб думалоқ бомбалар ташлаган эди. Бугун эса ҳамма улардан жирканмоқда.

(ТАСС).

ҲУҚУҚ ҲИМОЯСИДА

ИТАЛИЯ

РИМ. Бутун Италияда муниципал ва коммунал хизматчиларидан 500 минг киши 48 соатлик забастовка ўтказмоқда.

Забастовка мамлакатнинг энг йирик касаба союз бирлашмаларининг чақириғига биноан эълон қилинди. Иш ташловчилар маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларини ислоҳ қилишни, иш ҳақини оширишни ва меҳнат шароитини яхшилашни талаб қилмоқдалар.

ФРАНЦИЯ

ПАРИЖ. Франциянинг шарқидаги Лотарингия шахтёрлари ва металлургларидан 15 мингга яқин киши 28 кунлик забастовка натижасида ғалабага эришдилар. Корхона эгалари билан иш ташловчиларнинг вакиллари ўртасида тузилган битимда, жумладан, гарантияланган иш бўлиши, бошқа малакани ўрганиш, забастовка кунларининг ҳаммаси учун ҳақ тўлаш кўзда тутилади.

Икки ойдан ортиқ вақтдан бери иш ташлаётган Сен-Назер металлурглари билан бирдамлик кампанияси бутун мамлакатда мисли кўрилмаган даражада авж олдирилди. Ҳозирги вақтда Сен-Назерга ҳар куни бошқа шаҳарлар меҳнаткашларидан 100-120 минг франк маблағ келиб турибди. Жами бир ярим миллион франкка яқин маблағ тўпланди. «Юманите» газетаси иш ташловчиларнинг «юксак маънавий руҳини» таъкидламоқда.

ЭКВАДОР

ГУАЯКИЛЬ. Эквадор давлат муассасаларидаги 60 минг хизматчининг забастовкаси ғалаба билан тугалланди. Забастовка қатнашчилари иш ҳақининг стабилиги гарантияланишига эришдилар ва ишдан бўшатишларни тўхтатиш тўғрисида маъмурлардан сўз олдилар. Телеграф ва телефон ходимларидан қариб 2 минг киши меҳнат шароитларини яхшилаш учун курашни давом эттирмоқдалар.

АНГЛИЯ

ЛОНДОН. «Плесси компани лимитед» фирмасининг Ливерпулдаги радиоаппаратлари ишлаб чиқарадиган заводи ишчиларидан 17 минг киши ишчиларнинг оммавий суратда ишдан бўшатилишига қарши норозилик билдириб, «қондаларга риоя қилинган ҳолда» ишлашга қарор бердилар, деб хабар қилди «Морнинг старт» газетаси. Англия меҳнаткашларининг ўз ҳуқуқлари учун олиб бораётган курашининг бундай самарадор формаси иш секин суратда олиб борилаётганлигидан иборат.

Завод мамъурияти корхонада ишлаб турган ишчилар сонини қисқартириш ниятида эканлигидан касаба союзларни ҳатто хабардор ҳам қилмади.

КЕНИЯ

НАЙРОБИ. Кения пойтахти муниципалитети атрофидаги майдонни аҳоли қуршаб олган. Найроби муниципалитети ишчи ва хизматчиларидан 6000 киши ишга чиқмади. Фаррошлар, ўт ўчирувчилар, транспорт ва медицина ходимлари иш ташламоқдалар.

Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш ходимлари касаба союзи ижроия комитети забастовка ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди. Забастовка мамлакат маҳаллий ўз-ўзини бошқариш министрлигининг саноат суди ишчилар иш ҳақини оширишни тўғрисидаги қарорини тасдиқлашдан бош тортганлигига қарши ўтказилди.

Кения радиоси Кения меҳнат министри забастовкани ғайри қонуний деб эълон қилганлигини билдирди. Найроби муниципалитети биноси атрофидаги районларга кучли полиция отрядлари келтирилди. Бирок иш ташловчилар ишга тушишдан бош тортмоқдалар. (ТАСС).

КОМПАНИЯЛАРНИНГ СИНИШИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

ТОКИО. Японияда 766 та компания апрель ойида «тириклар» рўйхатидан ўчирилди. Токио кредит-ҳисоб палатасининг хабарида айтилишича синиб, банкрот бўлган фирмаларнинг жамики қарзи 37,2 миллиард иенага етган.

Мамлакатда бир неча йилдан бери давом қилаётган бундай синиш касалига асосан майда ва ўрта корхоналар дучор бўлмоқда. (ТАСС).

ҲИНДИСТОННИНГ ЯНГИ ВИЦЕ-ПРЕЗИДЕНТИ

ДЕҲЛИ. Майсур штатининг собиқ губернатори В. Гири ҳукмрон партия— Ҳиндистон миллий конгрессидан Ҳиндистоннинг янги вице-президенти қилиб сайланди. Марказий парламент ҳар иккала палатаси депутатларининг нитироки билан 6 майда ўтказилган сайловда Ҳиндистон миллий конгрессининг номзоди В. Гири 483 овоз олди. Оппозициячи партиялар блокидан кўрсатилган номзод— профессор Хабиб 193 овоз олди. (ТАСС).

БУГУН НЕМИС ХАЛҚИ ФАШИЗМДАН ОЗОД ЭТИЛГАН КУН

Германия Демократик Республикасининг қиёфаси йилдан-йилга ўзгариб кетяпти. Германия фашистлар асоратидан озод қилингандан буён бу ерда саноат, қишлоқ хўжалиги ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари тез суръатлар билан ривожланмоқда. Суратда: республика пойтахти Берлин шаҳридаги янги уй-жой бинолари.

Дрезден картиналари галереясн.

ГДР даги болалар боғчасида ёш ошпазлар иш устида.

ТАСС фотохроникаси.

БЕРЛИНДА ТАНТАНАЛИ МАЖЛИС

БЕРЛИН. Немис халқи фашизмдан озод қилинганлигининг 22 йиллиги муносабати билан Берлинда Германия Демократик Республикаси Министрлар Совети, Демократик Германия миллий фронти миллий кенгаши ва Германия—Совет дўстлиги жамияти Марказий правлениесининг тантанали мажлиси бўлди.

Мажлисда Германия Бирлашган Социалистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат Георг Эвальд доклад қилди. Докладчи Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан Германия Бирлашган Социалистик партиясининг муштарак мақсадлари социализм ва коммунизм қуришдан, бутун дунёда тинчликни таъминламоқ учун биргаликда кураш олиб боришдан иборат эканлигини, Германия Демократик Республикаси билан Совет Иттифоқи ўртасидаги қардошларча дўстлик ва ҳамкорлик ана шу муштарак мақсадларга асосланаётганлигини уқтириб ўтди. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг юбилей йилида, деди сўнгра Г. Эвальд, биз СССР билан ва бошқа социалистик мамлакатлар билан иттифоққа таяниб, Германия Демократик Республикасида социализмни тўла равишда қуриш йўлидан оғишмай ва қатъият билан бормоқдамиз.

Пировардида докладчи Америка империалистларининг Вьетнамдаги агрессиясини тўхтатишни талаб қилди, шунингдек Грециядаги монархист-фашистлар диктатурасига ва демократик кучлар таъқиб қилинаётганлигига қарши кескин норозилик билдирди. (ТАСС).

Республикачилар ҳукумат ташкилотини танқид қилмоқдалар

ВАШИНГТОН. Республикачилар партиясидан президенликка номзоди қўйилади, деб фараз қилинаётган Мичиган штатининг губернатори Жорж Ромни ҳукуматнинг ташқи сиёсатини қаттиқ танқид қилди. Республикачи хотин-қизлар миллий федерациясининг миллий съездида сўзга чиққан Ромни ҳукумат «жаҳон миқёсида полиция ва молиячи бўлиб» ҳаракат қилаётганлиги сабабли чет мамлакатлар АҚШнинг обрўйи тушиб кетганлигини айтди.

Вашингтоннинг Вьетнамдаги авантюристик сиёсатидан ўзини четга олиш тенденцияси кейинги вақтларда республикачилар партиясининг муайян доираларида кучайиб кетди. Республикачилар партиясининг сенатдаги сиёсий комитети томонидан Вьетнамга доир тайёрланган доклад ҳали ҳам Америка жамоатчилигининг диққат марказида турибди. Демократлар ҳукуматининг Вьетнамдаги стратегияси мамлакатни ҳарбий ва сиёсий жиҳатдан боши берк кўчага киритиб қўйди, бунинг учун масъулиятни республикачилар партияси ўз устига олмайди, деган фикр докладда алоҳида таъкидланган. Сенат ташқи ишлар комиссиясининг раиси демократ Фулбрайт бу ҳужжатни «кейинги вақтларда Вашингтонда энг кўп умид бағишловчи воқеаларнинг бири» бўлди деди. (ТАСС).

Гана ҳарбий трибуналининг ҳукми

АККРА. Ҳозирги ҳарбий ҳукуматни ағдариш мақсадида давлат тўнтариши тайёрлашда айбланган ва Гана армиясининг лейтенантлари бўлган С. Б. Артур, М. Иебоа ва О. Поқуни Гана ҳарбий трибунали гуноҳкор, деб топди. Трибунал Артур ва Иебоани ўлим жазосига ҳукм қилди. Поку 30 йил қамоққа ҳукм қилинди.

Гана армиясининг мазкур уч офицери 17 апрелда Ганада Гана армияси қисмлари томонидан тўнтариш қилиш учун бошланган муваффақиятсиз уринишга раҳбарлик қилишган эди.

ЯНГИЛИКЛАР БЎЛАРМИКИН?

Футбол

Бу йилги чемпионатнинг бошланиши ҳам, давом этиши ҳам жуда кўп мутахассисларга, ишқибозларга қизиқ туюлянти. Бунга биринчидан, дарвозаларни моҳирлик билан ишғол қилиш ҳужумчиларнинг қўлидан келмаётганлиги бўлса, иккинчидан, юқори ўринларни аввалги йиллардагидек албатта эгаллаб туриши лозим бўлган командаларнинг пастга қараб шунғиётганлиги сабаб бўлмоқда.

Куни кеча катта футбол дарғоҳига кириб келган Луганск шаҳрининг «Заря» спортчилари жуда катта тажрибага эга бўлган москвалик армия футболчиларининг жигини эзиб қўйдилар. Бу эса энди командалар ўртасида «кучли ва кучсиз» деган иборалар чиқиб кетаётганлигини яққол кўрсатди. Пойтахтнинг яна бир командаси — «Спартак» жадвалнинг орқа томонидан биринчи ўринни баҳолаб олди шекилли, у ердан қимирлашни ўзига ҳеч эп билмаётганга ўхшайди. Тўғри, жуда катта тажрибага эга бўлган бу командининг таҳдири мутахассисларни анча ранжитяпти. Аммо, биз уларнинг ранжишларига қараб туришимиз, бошқа командаларнинг «Спартак»ка ютқазишини кутиб ўтиришимиз керакмикин? Биз бу фикримизни янада конкрет қилиб, айтамиз: Москва командаларининг вакиллари бошқа шаҳарларда изғиб, ўйинчилар қидирмасин, ёшини яшаб бўлган футболчиларга ёпишиб олмасин, бунинг ўрнига ёшлардан маҳоратли спортчилар тайёрлашга бутун кучини қаратсин!

«Пахтакор»ни одайлик: мақтаниш эмас-ку, команда четдан бирон ўйинчини таклиф қилганни, ёки олиб келганлигини билмаймиз. Команда мукофотли ўринларга ҳали илинмаган бўлса ҳам, чемпионлик титулини бир неча марта қўлга киритган, СССР кубогини олган командалардан қолишмаслигини энди ҳамма билади. Футболда ютилади, ёки ютқазилади. Масала шундай экан, кучли команда ҳа деб ютаверишги лозим degan фикр нотўғри. Ўз обрў ва эътиборини ҳамда маҳорат ва техникасини намойиш қилиб, кўзларни қувонтириш, кучли командаларга юзма-юз келиб, унга сўзини ўтказиш, «Пахтакор»нинг энг яхши хислатларидан бири бўлиб қолди.

Эртага, 9 майда «Пахтакор»ни яна ўз майдонида кўрамиз. Бу гал колхоз футболчилари Қораденгиз спортчиларини қабул қиладилар. «Черноморец» гарчи чемпионатда катта муваффақиятларга эришмаган бўлса ҳам, у ёмон ўйнамайди, шиддаткорлик ва ҳужумкорлик бу жамоанинг яхши фазилати. Ўтган йили икки марта учрашган яна шу икки командининг дарвозаларига 6 та тўп киритилди. Биринчи давра 2:2, иккинчи давра эса 1:1 ҳисоби билан тугаган эди. Бу йил шундай бўлмаса керак: «Пахтакор» ҳам, «Черноморец» ҳам «ҳисоб-китоб»ни бу йил очиб қўйишни мўлжаллаб туришибди. Эртага судья Б. Соловьевнинг ҳуштаги чалингандан кейин майдонда бошланадиган 90 минутлик спектаклнинг финали қайси команда ўтказиб юборишлигини кўрсатиб беради.

Бу галги турда командаларга анча оғир бўлади. Чунки, жуда кўп командаларнинг ўйинчилари «Пахтакор»нинг собиқ муаллими Михаил Якушин раҳбарлигида Глазогга йўл олдилар. СССР терма командаси 10 майда жаҳон чемпиони — Англия терма командасининг елкасини ерга тегизган Шотландия спортчилари билан учрашадилар.

Шу сабабга кўра ҳам навоатдаги турда майдонларда жуда кўп янги ўйинчиларни ҳамда ёшларни кўриш эҳтимоли бор. Балки ана шу янгилик янги ва ёш футболчиларга — катта футбол дарвозасини кенг очиб берар. Ишқивозлар шунга умид қилиб турибдилар. Бу турдаги 9 учрашувда 18 команда белланиб, турнир жадвалини «ағдар-тўнтар» қилиб юборишлари мумкин. «Пахтакор» ишқивозларининг нияти эса ана шу «ағдар-тўнтар»да колхоз футболчиларининг юқорига ўтиб олишларида.

В. МАҲКАМОВ.

М. А. АРИНИН

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, республиканинг кекса рассомларидан бири Михаил Александрович Аринин узоқ давом этган оғир касалликдан сўнг 7 майда 70 ёшида вафот этди.

Россияда туғилиб ўсган, деҳқон ўғли Аринин Гражданлар уруши йилларида солдат, Улуғ Ватан уруши даврида эса жангчи рассомлар бригадасининг қатнашчиси сифатида бир қўлда найза, бир қўлда мўйқалам тутиб, социализм мамлакатининг ҳаққонийлик ва инсонпарварлик ғояларини қаттиқ туриб ҳимоя қилди.

Рассомнинг 1924 йилдан буён ўтган бутун меҳнат ва ижодий фаолияти ўзбек диёри билан чамбарчас боғланган. Республикамизда яшаб ижод этаётган таниқли санъат вакилларининг бир неча авлоди М. А Арининни ўзларининг устозлари деб билади ва қадрлайди. Рассомнинг республикамиз кишилари ҳаётига бағишланган қатор асарлари тасвирий санъат мухлисларига маъқул ва манзур бўлган. Бу полотнолар кўпгина бадиий кўргазмаларда намойиш этилган.

М. А. Аринин кўплаб рассомлар қатори Тошкентдаги Навоий номли театр учун яратилган бадиий монументал панно ишлашда актив қатнашган. У Москвадаги Бутуниттифоқ Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасидаги Ўзбекистон павильонининг яратилишида ҳам иштирок этган. Рассомнинг катта хизматлари Ўзбекистон ҳукумати томонидан бир неча бор таҳдирланган.

Михаил Александрович Арининнинг порлоқ хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланади.

Бир группа ўртоқлари.

Редактор М. КОРИЕВ.

АЖОЙИБОТЛАР... ҚИЗИҚ ҲАНГОМАЛАР...

ТУХУМ МУЗЕЙИ

Руминиядаги Орадя шаҳрида очилган музей учун 10 минг экспонат тўплаш мақсадида унинг ходимлари 75 мамлакатда бўлишди ва 3 минг қуш уясини кўриб чиқишди. 750 хил қуш тухуми тўпланди. Энг кичик экспонат чугурчуқ тухуми бўлиб, унинг узунлиги 13,1 миллиметрдир, унинг ёнида эса энг катта экспонат — туяқушнинг 152 миллиметрлик тухуми қўйилган.

ЙЎЛИ ТОПИЛДИ

Англиядаги Борнемут шаҳрида яшовчи Чарльз Вильямнинг кир ювиш хонасида ишчи кучи етишмасди. Шунда тадбиркор Вильям газетага қуйидагича эълон берди: «Озишни истаган ёш аёлларга оғир, бироқ жуда яхши ҳақ тўланадиган иш таклиф қиламиз. Айни пайтда улар доимий иш билан шуғулланиш имконига эга бўладилар».

Айтишларига қараганда, ҳозир таклифлардан унинг боши чиқмаётган эмиш.

ҲАВОРАНГ ХАТЛАР

Яқинда Франциянинг «Франс» лайнери бортидан Атлантик океанга пластмассадан ишланган 250 минг дона конверт ташланди. Олимлар бу конвертлар ёрдамида денгиз оқимининг йўналишини текширишмоқчи. Тахмин қилишларига қараганда, бу конвертлар соҳилга чиққунга қадар бир неча ой ва хатто бир йилгача сувда сузиб юради. Улардан ҳар бирига хат солиб қўйилган. Бу хатларда конвертни топган кишидан уни қаерда топганлигини маълум қилиб Парижга жўнатиш илтимос қилинади. Бундай эксперимент бундан бир неча йил муқаддам қўлланилган эди. Бироқ оқ конвертлар балиқчи қушлар томонидан йўқотиб юборилган эди. Орнитологлар бу гал балиқчи қушлар ёқтирмайдиган ранг—ҳаворанг рангни қўлланишни тавсия қилганлар.

МУНОСИБ «БАҲОЛАНДИ»

Германия Федератив Республикасининг Бремен шаҳридаги марказий кўчалардан бирида баландлиги 6 метр келадиган «Қўланна» деган ўтакетган модернистик скульптура ўрнатилди. Шаҳар аҳолиси бу «дурдона» асарни унчалик қизиқиш билан қабул қилишмади. Бу эса унинг авторларини анча ранжитди.

Ҳайкал фақат... итлардагина зўр таассурот қолдирмоқда. Улар ҳайкални кўриш биланоқ тўхтовсиз вовуллашиб, айримлари эса саросимага тушиб қолади. Кўпчилиги қўрқиб қоча бошлайди.

КЎП ТИЛЛИ ШАҲАР

Швейцариядаги Граубюнден кантонининг пойтахти Кура шаҳрида яшовчи кишилар 6 тилда гапиришади ва 6 тилда мактаблар учун дарсликлар нашр этилади. Уч тил—немис, итальян ва ретороман тиллари асосий тил ҳисобланади. Ретороман тили тўрт хил шевадан иборат бўлиб, улар бир-биридан кескин фарқ қилади.

ВЕРОНА ЖАНЖАЛИ

Италиядаги Верона шаҳрида Монтекки ва Капулетти ўртасида яна жанжал бошланди. Бироқ бу гал жанжални қиличлар ва заҳар эмас, балки шаҳар оқсоқоллари ҳал этди. Шаҳар маъмурлари бу ерга чет эл туристларини кўпроқ жалб этиш мақсадида Шекспир трагедиялари қаҳрамонларидан бирига ҳайкал ўрнатишга қарор қилди. Капулетти тарафдорлари Жульетта ўзидан кейин Веронада балкон ва қабр қолдирган бўлса, Ромео тўғрисида эслатиб турадиган биророта тош ҳам йўқ ва у «умуман оддий бир йўлоқи» деб қатъий туриб олдилар. Монтекки группаси эса Жульеттани тунлари эркаклар билан учрашиб юрган енгилтак қиз деб атади.

Шаҳар оқсоқоллари шундан кейин Шекспирнинг ўзига ҳайкал ўрнатишга қарор қилдилар.

РАДИО БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 — Концерт. 9.15 — Чолғу куйлари. 9.50 — «Янги канал» (тож.). 10.10 — Концерт. 11.10 — Қўшиқлар. 12.15 — Балетлардан рақслар. 13.30 — Куйлар. 15.30— «Парвона» (Ҳамза номли театр спектаклининг монтажи). 18.00 — «Юность Узбекистана» радиостанцияси. (рус.). 18.40 — Музыкали салом. 20.00 — Қўшиқ, рақс ва ҳазиллар. 21.25 — Концерт (қишлоқ хўжалик ходимлари учун). 22.00 — Дунё воқеалари. 22.10 — «Зайнаб ва Омон» (поэма асосида радиоинсценировка). 23.25—Куйлар.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 10.55 — **Эшиттиришлар программаси.** 11.00 — **Ҳамма учун эртак** (болалар учун кинофильм). 11.10 — **Номсиз тепаликда** (мактаб ўқувчилари учун). 11.35—**Борька, мен ва кўринмас одам** (телеспектакль).

Ўзбек тилида: 13.00 — **Улар Ватан учун жанг қилганлар** (болалар учун). 13.25 — **Ёш гвардия** (бадиий фильм). 14.55 — **Дрезден эслатади** (телефильм).

Рус тилида: 16.55 — **Эшиттиришлар программаси.** 17.00 — **Хунук қиз** (болалар учун кинофильм). 17.10 — **Телевизион янгиликлар.** 17.25 — **Ёзувчилар — Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари.** Муса Жалил. 17.55 — Бадиий фильм. 19.45 — **Эртаги кун программаси.**

Ўзбек тилида: 19.50 — **Телевизион янгиликлар.** 20.05 — **Ҳайкаллар сўзлайди** (Б. Бойқобилов поэмаси асосида адабий композиция). 20.45 — **Оламда нима гап?** 21.05— **Қиш тонги** (бадиий фильм). 22.25 —**Ватанга совга** (кинофильм).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

10.55 — **Эшиттиришлар программаси.** 11.00 — **Жамиятшуносликка** (ўзбек тилида). 12.00 — **Физика** (Ўрта мактабни битираётганлар учун консультация).

13.00 дан — **Москва кўрсатади.**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 8/V да кундуз **Доктор Айболит,** кечқурун **Парвона.**

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 8/V да кундуз **Вероналик икки йигит,** кечқурун **Парвона.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 8/V да **Тошболта ошиқ.** 9/V да кундуз **Катта байрам концерти,** кечқурун **Спектакллардан парчалар.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Москва цирки артистлари** ва **Ҳиндистон филлари аттракционининг сўнгги гастроллари.**

КИНО

Спартак — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Жаҳаннам гирдобида икки йил—НАВОИЙ номли, «ВОСТОК», «МОСКВА», «ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Бир рус онаси ҳақида қисса (кундуз соат 4 гача), **Фашизмни тўхтатиш керак** (кундуз соат 5, кеч 7 ва 9 да)—«ФЕСТИВАЛЬ».

Тоҳир ва Зуҳра — СОБИР РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқурун).

Виждон амри билан — «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Разведчининг жасорати — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Севги давоси — «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

БУХОРО ОБЛАСТЬ «УЗСЕЛЬХОЗТЕХНИКА БИРЛАШМАСИГА

савдо бошқармаси бош инженери, кадрлар бўлими бошлиғи, фермаларни механизациялаштириш бўйича старший инженер ва инженер-электриклар, бухгалтер-ревизор, бухгалтерлар, махсус иш бўйича инспектор, хўжалик мудири

КЕРАК

Турар жойи бўлмаган кишилар икки йил мобайнида таъминланадилар.

КИРОВ РАЙОН ОШХОНАЛАР ТРЕСТИГА

умумий овқатланиш корхоналарида ишлаш учун **товаршунослар, буфетчилар, экспедиторлар, касса аппаратлари билан таниш кассирлар, қандолатчилар, идиш-тавоқ йиғувчилар, уборщицалар**

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, К. Маркс кўчаси, 3-уй, телефонлар В-3-55-58, В-3-35-39.

ЎЗБЕКИСТОН ССР АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ ВА ТОШ ЙЎЛЛАР МИНИСТРЛИГИНИНГ 6-АВТОРЕМОНТ ЗАВОДИ (Ленинск шаҳар, Андижон области)

корхона ва автомобиль хўжаликларидан катта ремонт учун «ЗИЛ-150» ва «ЗИЛ-585» автомобилларини

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

БИЗНИНГ АДРЕС ВА ТЕЛЕФОНЛАР

ТОШКЕНТ, «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ № 28. Редактор — 836545. Редактор ўринбосарлари — 837914, 839323. Масъул секретарь — 834455. Масъул секретарь ўринбосарлари — 837283 Партия турмуши — 833469. Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш, халқаро ҳаёт — 831216. Коммунистик тарбия — 831455. Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 834780. Совет қурилиш — 833258 Қишлоқ хўжалик—837604. Адабиёт ва санъат — 832036, 837221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 834451, Маҳаллий ахборот — 832347. Оммавий ишлар ва хатлар — 833005, 833553 Иллюстрация — 834324. Стенографистка — 837343. Корректура — 837162. Эълонлар — 838142. Коммутатор — 830249, 830256. 830251, 830252, 830253, 830254, 830255, 830256, 830257, 830258.

№ А — 107. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64543. Р. 04285.